



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
Vaxtohonova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
Джалилов Д.А. Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	147
Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	154
Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	159
Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	165
Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	169
Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	175
Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	183
Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	188
Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	192
Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	197
Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	203
Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	211
Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	216
Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	221
Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	225
Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	230
Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	238
Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	241
Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	246
Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	252
Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	255
Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	259
Абдуллаева Р. Инклюзив тadbirkorликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	264
To‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	268
Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	272
Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	276
Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	280
Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	284
Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	288
Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	292
Rejapov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	297

Ushbu maqsadga erishish yo‘lida xar qanday korxonalar va tashkilotlar muntazam ravishda faoliyatga ta’sir etuvchi barcha omillarni o‘rganishi, tahlil qilishi va ularning natijasida raqobat afzalliklarini ta’minlaydigan faoliyat yo‘nalishlarini joriy etishlari zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Nazarov S. – Raqobatbardoshlikning nazariy asoslari va amaliyoti. – Toshkent: IQTISOD-MOLIYA, 2022.
2. Islomov A. – “O‘zbekiston sanoatining raqobatbardoshligini oshirish omillari”. Iqtisodiyot va Innovatsiyalar, 2021.

УДК: 331.5

**“АЁЛЛАР ДАФТАРИ” МАҲАЛЛАБАЙ ТИЗИМИ - АЁЛЛАР БАНДЛИГИ ВА
ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**СИСТЕМА МАХАЛЛИ “ЖЕНСКОГО РЕЕСТРА” - КАК ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ
ЗАНЯТОСТИ И БЛАГОПОЛУЧИЯ ЖЕНЩИН.**

**WOMEN’S REGISTER: THE MAHALLA BAYT SYSTEM AS A MEANS OF ENSURING
WOMEN’S EMPLOYMENT AND WELL –BEING.**

Исраилова Дилфуза Каримовна “University of economics and pedagogy” NOTM
Иқтисодиёт кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Аннотация

Мақолада бугунги кунда жамиятда аёллар бандлигини таъминлашда янги ёндашувларни қўллаш, бу борада маҳаллабай тизимдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Калит сўзлар. Аёлларнинг иш билан бандлиги, аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини таъминлаш, маҳаллабай тизим, тадбиркор аёл, янги иш ўринларини ташкил этиш.

В статье рассматриваются вопросы использования новых подходов к обеспечению занятости женщин в современном обществе, а также вопросы, связанные с эффективным использованием системы махалли в этом плане.

Ключевые слова: Занятость женщин, обеспечение участия женщин на рынке труда, система махалли, женщина- предприниматель, создание новых рабочих мест.

The article examines the use of new approaches to ensuring women’s employment in modern society, as well as issues related to the effective use of the mahalla system in this regard.

Keywords. Women’s employment, ensuring women’s participation in the labor market, mahalla system, female entrepreneur, creation of new jobs.

Аёллар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали турмуш даражасини яхшилаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Янги тараққиёт стратегиясида “...мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш, норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, аёллар ўртасидаги ишсизлик даражасини 2 баравар камайтириш, 750 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни

тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”.. белгиланган [1].

Дарҳақиқат, статистик маълумотларга кўра [2], бугунги кунда мамлакат миқёсида 30 ёшдан юқори бўлган жами 7 миллионга яқин хотин-қизлар мавжуд. Тахлилларнинг кўрсатишича, уларнинг 8,5 фоизи ишсиз аёллар, 4,3 фоизи тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредит сўраган аёллар, 2,6 фоизи ногиронлиги бор аёллар, 2,5 фоизи касб-хунарга ўқиш хоҳишини билдирганлар, 2,4 фоизи боқувчиси йўқ ва ёлғиз оналар, 2,2 фоизи уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аёллар, ётоқхоналарда, нотурар жойларда яшаб келаётган аёллар эканлиги аниқланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги тегишли қарори билан “Аёллар дафтари”ни юритиш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланганини алоҳида қайд этиш зарур.

“Аёллар дафтари” ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базасидир. “Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган хотин-қизлар киритилади. Кредитлар “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Бериладиган кредитлар 33,0 млн сўмгача миқдорда ҳокимлар ёрдамчиларининг тавсиялари асосида ажратилади.

Оиладаги турмуш тарзи, жамият ривожланишининг узок тарихий йўли, оиланинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ижтимоий институт сифатида оилаларнинг мустақамлигига йўналтирилган ҳаракатларнинг борлиги бу ҳақиқат. Республикамизда ҳам оила билан боғлиқ барча институтлар фаолият олиб бормоқдалар. Дарҳақиқат, оилани бевосита ижтимоийлашувида туртки бўладиган маҳалла билан чамбарчаслигини боғлайдиган Маҳалла ва оила масалалари вазирлигини ташкил этиш таклифи юртбошимиз томонидан илгари сурилганлиги, бу масалани қанчалик долзарб эканлигини билдиради. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5938-сон Фармониға мувофиқ 2020 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди. Бу қарорларнинг қабул қилиниши билан хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояға муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарға эға бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашға зарурати бўлган фуқароларға давлат томонидан манзилли қўмаклашиш бўйича мутлақо янғича тизим жорий қилинди.

Аҳолини иш билан бандлигига қўмаклашиш айнан маҳалла тизимидан бошланиши бежизға эмас. Чунки, бу тизим аҳоли билан бевосита ишлашнинг энг самарали ва анъанавий механизмидир. Мамлакат тараққийетининг юксалиш даврида маҳаллабай ва фуқаробай иш услублари айни дамда аҳоли мурожаатлари ва жамиятдаги кўплаб муаммоларни бартараф этишда жамиятимиздаги барча соҳалар учун энг самарали йўл эканлиги ўз исботини кўрсатмоқда. Фикримизни Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари тахлили билан давом эттираемиз.

1-жадвал

Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари динамикаси

	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	ЙИЛЛАР			
			2019	2020	2022	2023
1	Ялпи худудий махсулот (ЯХМ)	трлн.сўм	48,0	50,9	54,4	56,2
2	Аҳоли жон бошиға	млн.сўм	14,6	15,0	16,0	16,9
3	Ишсизлик даражаси	%	9,7	9,0	8,7	8,1

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

4	Инвестиция лойихаларини ишга туширилиши	лойиха сони	310	400	501	528
		Қиймати млн.АҚШ долл	800,0	892,0	1098	1139
5	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш доирасида ажратилган кредитлар	млрд.с	430,0	580,0	830,0	1000,1
6	Жами бандлиги таъминланадиган аҳоли сони	минг. Киши	85 789	90 456	96 400	99 260
7	Бандлиги таъминланган хотин – қизлар	минг киши	16 411	17 800	13 730	12740

Манба: Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

Охирги йилларда Андижон вилоятида умумий қиймати қарийб 892,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 400 та инвестиция лойихаси амалга оширилиб, 86 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Бунда тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм поябзал, озиқ овқат ва фармацевтика соҳалари “драйвер” бўлди. Асака туманидаги “Асака текстил” ҳамда Жалолқудуқ туманидаги “Зумрад текстил” корхоналарида янги қувватлар, Хўжаобод туманида цемент заводи ва қурилиш материаллари кластери, “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зонасида шприц ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди. Умумий соҳалар кесимида айтганда, уларнинг 258 таси саноат, 185 таси хизмат кўрсатиш, 173 таси қишлоқ хўжалиги тармоқларида, бўлиб, буларнинг натижасида 61 мингта янги иш ўрни яратилди. Хусусан, шу йилларда “Тетратекс” МЧЖ томонидан Балиқчи туманида тўқимачилик комплекси ташкил қилиниб, 10 мингта иш ўрни яратилди. 2023 йилга келиб, Андижон вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 2019 йилга нисбатан 117,0 га ўсиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар ҳам ошди. Шу йили вилоятда қиймати 1,1 млрд. АҚШ долларида ортиқ бўлган 528 та инвестиция лойихаси амалга оширилди. Инвестицион лойихаларни ишга солиш натижасида вилоятдаги хотин -қизларни ҳам иш билан бандлиги таъминланмоқда.

2-жадвал

Андижон вилоятида хотин-қизлар иш билан бандлигини таъминлаш йўналишлари (2019 йил)

Жами ишсиз аёллар сони	Маҳаллалар сони	Инвестиция лаш дастури бўйича лойихалар сони	Йўналишлар бўйича			Ипакчилик	Томорқ ачилик	Хунар мандчилилик
			Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизмат кўрсат иш			
16 411	880	310	56	34	43	78	43	56

Манба: Андижон вилояти Бандлик бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Андижон вилоятида хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 21 августдаги 703- сонли қарори муҳим аҳамият касб этди. Қарорда вилоятда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни, хусусан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш,

хунармандчилик билан шуғулланишни тарғиб қилиш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, пиллачилик соҳасида касаначиликни кенгайтириш орқали бандликни таъминлаш масалаларига урғу берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 апрелдаги “Давлат маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган алоҳида берилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши билан мамлакатимизнинг 28 та танланган туман ва шаҳарларида тажриба синов тариқасида давлат маблағлари ҳисобидан субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлар ажратилган ишсиз фуқаролар “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган банд бўлмаган аҳоли билан маҳаллий меҳнат органлари ўртасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва бу борада тарафларнинг ижтимоий маъсулиятини белгиловчи ижтимоий контракт тузиш амалиёти жорий этилмоқда. Ушбун амалга ошириш учун 26,9 млрд.сўм сарфланди.

Маҳаллабай ишлаш тизими мураккаб жараён бўлишига қарамасдан, унда ҳар бир инсоннинг дардини тинглаш, унинг қисматини тубдан ўзгартириш, жамият тараққиётини иқтисодий ўсишлар билангина эмас, балки аҳолининг ўз ҳаётидан мамнунлиги билан ўлчаш каби мезонлар мавжуд.

Жаҳонда аҳолини иш билан бандлиги тенденцияларидаги муаммо –гендер кўрсаткичлари фарқланиши, аёллар ишсизлиги тенденцияларидир. Аёлларнинг глобал ишсизлик ҳолати талаб даражасида яхшиланмади. Ушбу тизим ўз навбатида, сиёсий чақирув ҳам ҳисобланади. Унга кўра ижтимоий-иқтисодий реформалар, ички ва ташқи ресурслар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар, турли идора ва ташкилотларнинг “фаолият йўлаклари” маҳаллалар кесимида ташкил этилади.

Шунинг натижасида айни вақтда юртимиздаги барча соҳаларда кечаётган ўзгаришлар моҳиятида маҳаллабай сўзининг аҳамияти кундан- кунга ортиб бормоқда. Республикамиздаги барча ташкилот ва идораларнинг мазкур амалиёт натижасида жойларда ташкил этаётган иш фаолияти айнан маҳаллалардаги ўзгаришлар ва бу орқали мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Маҳаллабай ишлаш, бу — барча соҳа мутасаддиларининг бир мушт бўлиб, маҳаллалардаги муаммолар, аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишнинг янгича механизмидир.

Мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш орқали уларнинг даромадларини кўпайтириш пировардида камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан “иқтисодий комплекс идоралари ишни маҳаллалар даражасида ташкил этиши, тижорат банклари жойларда юқори самарали лойиҳаларни амалга ошириб, айниқса, ёш тадбиркорларга кенг йўл бериши кераклиги”ни қайд этилди.

Назаримизда, аёллар бандлигини оширишда “Маҳаллабай” ишлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида куйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга оид қизиқиш ва интилишларини аниқлаш ва уларнинг мазкур фаолият билан шуғулланишлари учун билим ва кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган ўқув курсларини ташкил этиш. Мазкур ўқув курсларини ташкил этишга маҳаллий лидер тадбиркорлар, халқаро ташкилотлар,	Хотин-қизлар тадбиркорликка бўлган қизиқишларини амалга оширишлари учун амалий ёрдам кўрсатиш орқали камбағалликни қисқартириш бунинг натижасида уларни тадбиркорлик ва ўзини-ўзи банд қилишига эришиш; Ҳудудларда аҳоли тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўладиган шарт-шароитларни яратиш, мавжуд тўсиқларни тўлиғича бартараф этиш
--	--

нодавлат нотижорат ташкилотлар хамда нодавлат таълим муассасаларини жалб қилиш;	орқали аҳолининг, хусусан, аёлларнинг даромадга эга бўлишларини таъминлаш.
Банклар маҳаллалардаги темир дафтарга киритилган аёлларни тадбиркорлик интилишларини рўёбга чиқаришда кредитлардан фойдаланишлари учун бизнес-режаларни ишлаб чиқишда маслаҳатлар бериш, доимий равишда зарур бизнес ахборотларни бериб бориш;	Маҳалларнинг «ўсиш нукта»лари ва “драйвер”ларини аниқлаш, аҳолининг мазкур ўсиш нукталари асосида янги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, мавжуд тадбиркорлик субектлари яъни маҳалладаги лидер тадбиркорларга кооперация асосида бирлаштириш;
Маҳалладаги аёл тадбиркорларнинг лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш;	“Рақамли маҳалла” платформасини йўлга қўйиш орқали муамоларни аниқлаш ва уни амалга оширишнинг назоратини йўлга қўйиш.(бунинг учун маҳалла еттиликни рақамли тизимлардан фойдаланишга ўқитиш)

1-расм. “Маҳаллабай” ишлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Фикримизча, маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига камбағалликни қисқартиришга эътибор қаратиш, бунда “маҳалла-оила-фуқаро” тамойили асосида аҳоли ҳаётидаги муаммоларни тизимли ўрганиш ва ўз вақтида, тўлиғича ҳал этишга хизмат қилувчи «маҳаллабай» ишлаш тизимини янада ривожлантириш зарур.

Ҳозирги кунда жамиятимиз аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини олиб бориш билан бир қаторда, аҳолининг кам таъминланган яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда кам таъминланган оилаларни хамда ишсиз аёлларни турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан амалга ошириладиган ишлар ижобий десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистонда кечаётган бугунги ўзгаришлар мамлакат янги тарихини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Зотан, юртимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгиланишлар давлатимизнинг дунё ҳамжамияти билан том маънода интеграциялашувини таъминламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли фармони.
- 2.Ш.Р.Холмўминов., К.З.Хомитов., Н.У.Арабов., Ж.Х.Бобоназарова., Х.Х.Абдураманов., Н.Р.Саидова. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари (монография). –Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.43 бет
3. Хоткина З.А. Гендерный подход по анализу труда и занятости. Гендерный калейдоскоп. М.: 2022.
- 4.Ненси Шодороу., Е.Мезенцева. Гендерная проблематика в экономике. Введение в гендерные исследования. Изд ва “Алетейя”. 2000., Е.Мезенцева. Бандлик ва меҳнат бозорида аёллар. М. 2014.
- 5.Л. Дегтареь. Процесс трансформаций и положение женщины. Вопросы экономики. 2000 г. стр 66-73.
- 6.Р.А.Убайдуллаева. Женский труд ва колхозах Узбекистана. Дис...кан.экон.наук. 08.00.10. – Т.: 1964, - 217 стр

7. Ж.Х.Бобоназарова. Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш. “Экономика и социум”. № 6 (97) -2 2022
8. Глобальный институт McKinsey. 2023 йил якунидаги хисобот маълумотлари.
9. Уй - рўзғор ишлари аёлларнинг иқтисодий фаоллигини туширади. Дарё. уз.
10. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари. Т.: 2025 й
11. Мировой обзор по вопросу роли женщин в развитии. Нью -Йорк, ООН, 2009, стр 10.

УДК: 339.13

КРИТЕРИИ РАЗДЕЛЕНИЯ ЦЕЛЕВОЙ АУДИТОРИИ В СФЕРЕ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА

RAQAMLI MARKETINGDA MAQSADLI AUDITORIYANI AJRATISH MEZONLARI

CRITERIA FOR DIVIDING TARGET AUDIENCES IN DIGITAL MARKETING

Шокирова Г.М. University of economics and pedagogy
Старший преподаватель кафедры «Экономика»

Аннотация

Одним из ключевых условий эффективности цифрового маркетинга является точная сегментация целевой аудитории. В условиях высокой конкуренции и информационной перегрузки пользователи всё более избирательны в восприятии цифрового контента. Поэтому универсальные подходы к коммуникации теряют актуальность, уступая место персонализированным стратегиям взаимодействия. Грамотное разделение аудитории на чёткие сегменты позволяет не только повысить точность таргетирования, но и существенно сократить затраты на привлечение клиентов, увеличив при этом конверсию.

В данной статье рассматриваются основные критерии сегментации целевой аудитории в цифровом маркетинге, их особенности, сочетания и актуальность в современных условиях.

Ключевые слова: Цифровой маркетинг, сегментация, целевая аудитория, таргетинг, персонализация, конверсия.

Raqamli marketingning samaradorligini oshirishdagi asosiy omillardan biri bu — maqsadli auditoriyani aniq segmentlarga ajratishdir. Yuqori raqobat va axborot ortig‘i sharoitida foydalanuvchilar raqamli kontentni qabul qilishda tobora tanlab harakat qilmoqda. Shuning uchun, umumiy yondashuvlar o‘z dolzarbligini yo‘qotmoqda, ularning o‘rnini esa shaxsiylashtirilgan strategiyalar egallamoqda. Auditoriyani to‘g‘ri segmentlarga ajratish nafaqat aniqroq targetlashni ta‘minlaydi, balki mijozlarni jalb qilish xarajatlarini kamaytirib, konversiyani oshirish imkonini ham beradi.

Ushbu maqolada raqamli marketingda maqsadli auditoriyani segmentlarga ajratishning asosiy mezonlari, ularning xususiyatlari, kombinatsiyalari va hozirgi sharoitdagi ahamiyati ko‘rib chiqiladi.

Kalit so‘zlar: Raqamli marketing, segmentatsiya, maqsadli auditoriya, targetlash, shaxsiylashtirish, konversiya.

One of the key factors for effective digital marketing is accurate segmentation of the target audience. In the context of high competition and information overload, users are becoming increasingly selective in how they perceive digital content. Therefore, universal communication approaches are losing relevance, giving way to personalized interaction strategies. Properly dividing the audience into clear segments not only increases targeting accuracy but also significantly reduces customer acquisition costs while boosting conversion rates.